



MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

COLLECTION OF SCIENTIFIC WORKS
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

Issue 6(17)

**Warsaw
2019**



MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS

ISSUE 6(17)

JUNE 2019

Collection of Scientific Works

WARSAW, POLAND
Wydawnictwo Naukowe "iScience"
20th June 2019

ISBN 978-83-949403-3-1

MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS: a collection scientific works of the International scientific conference (20th June, 2019) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2019. - 141 p.

Languages of publication: українська, русский, english, polski, беларуская, казакша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, ჯუღრუ

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS". Which took place in Warsaw on 20th June, 2019.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

ISBN 978-83-949403-3-1

© Sp. z o. o. "iScience", 2019

© Authors, 2019

TABLE OF CONTENTS

SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

Ahmadov Behzod Obidovich, Ismatov Temurbek Akbar o'g'li, Jurayev Kurbon Hafiz o'g'li (Buxoro, O'zbekiston) YER OSTI SUVLARI ZAXIRALARDAN OQILONA FOYDALANISHNI NAZORAT QILISH TIZIMINI YANADA RIVOJLANTIRISH.....	6
Karimov Erkin Qodirovich, Adizov Shuhrat Bafoyevich, Ismatov Temurbek Akbar o'g'li, Jurayev Kurbon Hafiz o'g'li, Ibodov Islom Nizomiy o'g'li (Buxoro, O'zbekiston) O'RMONLARDAN FOYDALANISHDA YANGI MULKCHILIK SHAKLLARINI JORIY ETISH HAMDA O'RMON XO'JALIGINI YANGI BOSQICHGA OLIB CHIQISH.....	9
Пиримов Жонибек Жумамуродович, Аҳмадов Беҳзод Обидович, Исмаатов Темурбек Акбар ўғли, Жураев Курбон Ҳафиз ўғли (Бухоро, Ўзбекистон) ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ РОЛИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	15

SECTION: ECONOMICS

Ashot Matevosyan V., Mane Matevosyan H., Tatevik Azatyan K. (Yerevan, Armenia) THE ASSESSMENT OF INDUSTRIAL PRODUCTION AND EXPORT INTERCONNECTION OF ARARAT PROVINCE OF THE REPUBLIC OF ARMENIA.....	18
Kodirova Mastura Murtazoevna (Tashkent, Uzbekistan) THE ROLE OF ADVERTISING IN ATTRACTING TOURIST FLOW TO THE REGION.....	23
Усмонов Азамат (Жиззах, Ўзбекистон) ЎЗБЕКИСТОН БЕТАҚРОП ТУРИСТИК МАМЛАКАТ: ТАРИХИЙ ДАЛИЛЛАР, ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ.....	27

SECTION: INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

Kenesbayeva Periyzat Ismaylovna, Melsova Dilmora Amangeldievna (Tashkent, Uzbekistan) BLUTLI TEXNOLOGIYALARDA AMALGA OSHIRILADIGAN XUJUMLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH.....	32
Жаксуликов Шарияр Аллияр улы, Мэльсова Дилнора Амангелдиевна (Нукус, Ўзбекистон) РАЗРАБОТКА МУЛЬТИМЕДИА КУРСА «ГРАФИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ЯЗЫКОВ ПРОГРАММИРОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ BASIC И PASCAL)».....	36
Шаназарова Шахзада Ильясовна (Нукус, Ўзбекистон) ИНФОРМАЦИОННО-МЕТОДИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ДИСЦИПЛИН ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗОВ	45

SECTION: PEDAGOGY

Allakuliyeva Azzat Jumaniyazovna (Khorezm, Uzbekistan) GAMES AS MEANS OF MOTIVATION LEARNERS TO LEARN FOREIGN LANGUAGES.....	49
Qosimova Ra'no Axmedovna, Ibragimov Matlab (Samarkand, Uzbekistan) “ISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SO‘ZSIZ TUSHUNILADIGAN HARAKATLAR TEXNALOGIYALARI (KO‘RSATUV, IMO-ISHORA, SIGNALLAR).....	54
Sulaymonova Tanzila (Jizzax, O‘zbekiston) O‘ZBEK XALQ DOSTONLARI MA’NAVIY BARKAMOLLIK MANBAYI.....	58
Usmonova Mahfuza (Jizzax, O‘zbekiston) TARBIYACHI KASBIY KOMPETENSIYASI TUSHUNCHASI VA UNI HOSIL QILUVCHI OMILLAR.....	60
Мунарора Р. У., Эсонова У., Абдумунинова М. О. (Джизак, Узбекистан) САМОСОЗНАНИЕ КАК ОСНОВА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩЕГОСЯ.....	63
Ражабова Роҳатой (Жиззах, Ўзбекистон) ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА.....	65
Сергеева Бэлла Владимировна, Абломова Олеся Александровна (Краснодар, Россия) ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ШКОЛЫ И СЕМЬИ КАК ОСНОВА ОРГАНИЗАЦИИ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ.....	69
Сергеева Бэлла Владимировна, Попова Дарья Олеговна (Краснодар, Россия) ФОРМИРОВАНИЕ ОСНОВ ЗОЖ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ ВО ВЗАИМОДЕЙСТВИИ С СОЦИАЛЬНЫМИ ПАРТНЕРАМИ.....	80
Хушиева Н. Т., Жанизакова М. И. (Джизак, Узбекистан) РОЛЬ ОБЩЕНИЯ В ПЕРИОД ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ.....	91

SECTION: PHILOLOGY AND LINGUISTICS

Давыдова С. А., Цеван Д. А. (Минск, Беларусь) ИМЯ СОБСТВЕННОЕ КАК СТИЛЕОБРАЗУЮЩИЙ ЭЛЕМЕНТ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ.....	93
Кадырова Машхура Мирзаакбаровна (Ташкент, Узбекистан) ПЕРЕВОДЫ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ.....	96

SECTION: PHILOSOPHY

Кулматов П. М. (Жиззах, Ўзбекистон) ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯЛАШДА КАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ.....	100
Нуриддинов Хожаакбар Джалалитдинович (Ташкент, Узбекистан) ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ.....	104

Файзуллаева К. А. (Жиззах, Ўзбекистон) ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТЎҒРИ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	111
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

SECTION: PSYCHOLOGY SCIENCE

Ахмедова Н. О., Жабборова А. Ж., Хусанова Н. Н. (Жиззах, Ўзбекистон) ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	116
Камолова Ш. У., Алмаматова З. Х., Розикова М. Д. (Жиззах, Ўзбекистон) ЁШЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ЮКСАЛТИРИШДА СИНЧКОВЛИК ТАРБИЯСИНИНГ ЎРНИ.....	119
Пўлатова Н. М., Шакарбоева Ш. А., Йўлдошев С. (Жиззах, Ўзбекистон) ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЙИНИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ ЖИХАТЛАРИ.....	122
Юлдашев Ш. Э., Утамуродова Г. Н., Очилов Ч. Қ. (Жиззах, Ўзбекистон) ПСИХОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ФАОЛ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ.....	125

SECTION: TECHNICAL SCIENCE. TRANSPORT

Абдрахманова Каламкас Аманбековна, Байджанов Джумагельды Омарович (Караганда, Казахстан) ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ЦИКЛИЧЕСКИХ ВОЗДЕЙСТВИЙ НА СТРУКТУРУ И ФАЗОВЫЙ СОСТАВ ЦЕМЕНТНОГО КАМНЯ.....	128
Абдрахманова Каламкас Аманбековна, Байджанов Джумагельды Омарович (Караганда, Казахстан) ОСОБЕННОСТИ ТЕПЛОВЛАЖНОСТНОЙ ОБРАБОТКИ ВЫСОКОПРОЧНОГО БЕТОНА.....	133

SECTION: MEDICAL SCIENCE

Mustakimova F.A., Khanova I.M. (Tashkent, Uzbekistan) MODERN VIEW ON SHIFTS IN BLOOD RHEOLOGY.....	138
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

UDK 631.1

**Ahmadov Behzod Obidovich, Ismatov Temurbek Akbar o'g'li,
Jurayev Kurbon Hafiz o'g'li
(Buxoro. O'zbekiston)**

YER OSTI SUVLARI ZAXIRALARDAN OQILONA FOYDALANISHNI NAZORAT QILISH TIZIMINI YANADA RIVOJLANTIRISH

Har qanday rivojlanayotgan mamlakatning iqtisodiyotida qishloq xo'jaligi muhim ahamiyatga ega. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, 20-25 yillardan so'ng O'zbekiston qishloq xo'jaligida kuchli suv tanqisligi (etishmasligi) yuzaga keladi. Shu davrda mamlakatimiz aholisi soni 40 mln ga yetadi. Suv bu tuproqning unumdor elementlaridan biridir, suv tabiatda keng tarqalgan bebaho boylik bo'lib, u tiriklikning asosidir Orol dengizi havzasidagi yer osti suvlarining qayta tiklanuvchi resurslari kelib chiqishga ko'ra ikki qismga va suv yig'iladigan hududda tog'larda va tabiiy holda shakllanadigan hamda sug'oriladigan hududlarda shimilish (filtratsiya) ta'sirida shakllanadigan ko'rinishlarga bo'linishi mumkin. Havza hududida jami bo'lib yer osti suvlarining 339 ta manbasi qidirib topilgan va foydalanish uchun tasdiqlangan, ularning umumiy mintaqaviy zaxirasi 31,17 km³ deb baholanadi va shundan 12,7 km³ Amudaryo havzasiga va 16,4 km³ esa Sirdaryo havzasiga to'g'ri keladi. Qishloq xo'jaligi, aholi va sanoatni suv bilan ta'minlash, gidroenergetika, suv transporti, baliqchilik kabi xalq xo'jaligining barcha sohalar ehtiyojini qondirish maqsadida suv resurslaridan oqilona va kompleks tarzda foydalanishni ta'minlaydi. Aytilganlardan tashqari suvning yana bir qator foydali xususiyatlari borki, bular ham kishilik jamiyatining rivojida muhim o'rin tutadi. Dehqonchilik va chorvachilikni rivojlantirish, arzon elektr quvvati ishlab chiqarish, sanoat ishlab chiqarishini tashkil qilish va transport vositalaridan foydalanish, sog'liqni saqlash va shu singari xalq xo'jaligining muhim tarmoqlarini, shuningdek kishilarning kundalik turmushini suvsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Vazirlar mahkamasi shuni takidlaydiki so'ngi yillarda respublikamizda yer osti suvlardan oqilona foydalanish va ularni muhofaza qilish aholini suv bilan taminlash yaxshilash bo'yicha ma'naviy bir ishlar amalga oshirildi. Biroq mazkur ishlar nihoyatda past darajada olib boriladi va shahar hamda qishloq aholisining sifatli suvga bo'lgan ehtiyojlariga javob bermas edi. Suvni muhofaza qiluvchi qonunchiligining ko'plab buzilishlari sodir bo'lmoqda, bunda chuchuk yer osti suvlarining asossiz isrof bo'lishiga olib kelmoqda. Ichimlik suvi nihoyatda tanqis bo'lib turgan bir paytda ulardan katta miqdorlarda sug'orish va texnik taminoti maqsadlarda foydalanish dovom etmoqda. Sanitariya muhofazasi zonalari hamda yer osti chuchuk suvining yirik manbalari mavjud bo'lgan yerlarda sanoat va qishloq xo'jalik obyektlarini joylashtirish hollari mavjud. Yer osti suvlari asosan yer sathidan pastda ya'ni yer qobig'ida tog' jinslari qatlamlarida joylashgan suvlar misolida ko'rishimiz mumkin.

Hozirga qadar respublikamizning aksariyat mintaqalarida aholini markazlashtirilgan ichimlik suvi bilan ta'minlash bo'yicha keng ko'lami chora-

tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, joriy yilning 20-aprelida qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017-2021-yillarda ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini kompleks rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish dasturi to'g'risida"gi qarori bu borada muhim ahamiyatga egadir. Hammamizga ma'lumki, keyingi o'n yilliklarda sanoat va qishloq xo'jaligining jadal sur'atda rivojlanishi chuchuk yer osti suvlari holatiga salbiy ta'sir ko'rsatdi. Bu esa o'z navbatida suv zaxiralari hajmining sezilarli darajada qisqarishi hamda suv olish inshootlarining ruxsatsiz qurilishiga, suvni nazoratsiz olish oqibatida esa ayrim manbalarda suv zaxiralarning keskin kamayishi va tugashiga olib keldi Respublikamizning ayrim hududlarida yer yuzasidagi suvlarni chiqarib tashlash va drenaj tizimlarining qoniqarsiz holati, yer osti suvlari sathining intensiv ko'tarilishi, shuningdek, rejali tarzda gidrogeologik monitoring olib borilmagani oqibatida ayrim shaharlar va aholi punktlarida yer osti suvlari sathining yer yuzasiga yaqinlashishi kuzatilmoqda. Shu bilan birga, yer osti suvlari monitoringining amaldagi tizimi suv manbalarining ifloslanishiga, yer osti suvlari zaxiralarning kamayishiga va ba'zi aholi punktlarida yer osti suvlari sathining ko'tarilishiga olib keluvchi salbiy omillarni o'z vaqtida va to'laqonli baholash imkonini bermayapti. Ayni paytda yer osti suvlari zaxiralardan oqilona foydalanishni ta'minlash chora-tadbirlari samaradorligini oshirish va shu asosda mamlakatimiz aholisini suv bilan ta'minlash sifatini yaxshilashga hamda ayrim shaharlar va tumanlar markazlarida yer osti suvlari sathlari ko'tarilishining oldini olishga yo'naltirilgan. O'zbekiston respublikasi prezenti qo'yilgan qonun hujjatlarnin yer osti suvlarini hisobga olish va ulardan foydalanish yuzasidan nazorat va hisob-kitobning ta'minlanishi uchun vakolatli davlat organlarining hamda suvdan foydalanuvchilar va suv iste'molchilarining suv resurslaridan oqilona foydalanish, olinayotgan suv hajmini to'laqonli tarzda hisobga olish, shuningdek, ularning ifloslanishi va kamayishiga yo'l qo'ymaslik bo'yicha vazifalari belgilangan. Yer osti suvlari muhafaza qilish uchun esa quyidagi talablar qo'yilgan yer osti suvlari chiqarish va undan foydalanish bilan shug'ullanuvchi idoralar suv chiqarilayotgan uchastkalar va uning tutash hududlarda yer osti suvlariga doir rejimlarga rioya etilishning va kuzatib borishni shuningdek foydalanilayotgan suvning miqdori va sifatining hisobini yuritishdan iborat.

Ma'lumki foydali qazilmalar konlarini qidirish ularni uchun ularni o'rganish va ulardan foydalanish bilan bog'liq burg'lilash hamda boshqa kon va qidiruv ishlari bajarish jog'ida yer osti suvlari bor qatlamlar aniqlangan bu haqda tabiarni muhofaza qilish qishloq va suv xo'jaligi organlariga malum qilishi hamda belgilangan tartibda yer osti suvlarini muhofaza qilishga qaratilgan chora tadbirlari ko'rishi lozim, va sanoat oqindi suvlarini oqizish uchun qazilgan quduqlar suvli qatlamlarni ifloslantirish manbaiga aylanish mumkin bo'lsa bunday quduqlarni qazish umuman man rtiladi. O'z o'zidan suv chiqarib, suvdan foydalanish uchun yaroqsiz bo'lgan quduqlarga suvni bo'shqarish uskunalari ornatiilishi ular qonun xujjatlarda belgilangan tartibga to'xtatib qo'yilishi yoki tugatilishi lozim. Sifati yer osti suvlari toplanadigan manbalar tegrasida qattiq va suyuq chiqindilar to'plash axlatxonalari barpo etish yer osti suvlarining ifloslanishi manbaiga aylanish ehtimol bo'lgan sanoat, qishloq,xo'jaligi obyektlari va boshqa obyektlar qo'yilishiga yo'l qoyilmaydi. Yer osti suvlarni muhofaza qilish chora tadbirlarni ko'rish shu jumladan quduqlarni kuzatish tarmog'ida yaratish foaliyati yer osti suvlarining holatiga tasir ko'rsatuvchi korxonalar tomondan amalga oshiriladi. Tabiatda suvning qattiq, suyuq

va gazsimon holatlarda bo'lishi uning biosferada keng tarqalishiga imkon beradi. Atmosferaning yuqori qatlamlaridan tortib yerning chuqur qavatlarigacha, baland tog' cho'qqilaridan to chuqur dengiz va okeanlargacha hamma yerda suv muhitini uchratish mumkin. Biosferadagi suv resurslarining zahirasi juda katta bo'lgani holda, ularning 94% okean suvlariga to'g'ri keladi. Bu suvlar o'ta sho'rliqi sababli ulardan amalda kam foydalaniladi. Chuchuk suvlar zahirasi uncha ko'p bulmay, uning umumiy hajmi 28,25 km. kubga teng. Bu gidrosferaning atigi 2% ni tashkil qiladi xolos. Biosferadagi suv resurslarining zahirasi juda katta bo'lib, u qariyb 1,5 mlrd. km. kubga teng. Bu zahiralar 2 turga bo'linadi – asriy zahiralari ya'ni abadiy muzliklar va qayta tiklanadigan zahiralari ya'ni tabiatda aylanib turadigan suvlar. Yerdagi suvning bug'lanishi va uning yog'inlar sifatida qayta tushishi biri – birining o'rnini to'ldirib turadi, ya'ni suyuq holdagi suvlar tabiiy balansda aylanib turadi. Okeanlar yuzasidan yiliga 116 – 124 sm qalinlikda suv bug'lanadi va ular yuzasiga 107 – 114 sm qalinlikda yog'in yog'adi, quruqlikdan esa yiliga taxminan 47 sm qalinlikda suv bug'lanadi va 71 sm. qalinlikda yong'in yog'adi. Dengiz va okeanlarda bug'lanish bilan qaytib tushish o'rtasidagi farqni daryo oqimlari tekislay boradi. Daryolardan dengiz va okeanlarga yiliga 45 ming km. kub atrofida suv quyiladi. Hozirgi kunda respublikamiz va chet el amaliyotida quduqli nasoslar er osti suvlarini quduqlardan chiqarishda asosiy va eng samarali jihoz hisoblanadi

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak yer osti suvlari monitoringining amaldagi tizimi suv manbalarining ifloslanishiga, yer osti suvlari zaxiralarining kamayishiga va ba'zi aholi punktlarida yer osti suvlari sathining ko'tarilishiga olib keluvchi salbiy omillarni o'z vaqtida va to'laqonli baholash imkonini bermoqda. Bu haqda so'z borganda, ichimlik suvi taqchil bo'lgan ayrim hududlarda suvni chuchuklashtirish bo'yicha zamonaviy qurilmalar yetarli darajada joriy etilmaganini, suvni chuchuklashtirish uchun kerak bo'ladigan uskuna va qurilmalarni ishlab chiqarish borasida mavjud imkoniyatlardan to'liq foydalanilmayotganini ham ta'kidlashga to'g'ri keladi.

Muhim jihati shundaki, shu yilning fevral-mart oylarida 10 mingdan ortiq suv qudug'i bo'yicha o'tkazilgan xatlov natijalari aytib o'tilgan salbiy omillarning yer osti suvlari holatiga ta'siri davom etayotganidan dalolat beradi. Xatlov natijalari: 60 foizdan ortiq quduqlardan yer osti suvlari nazoratsiz olinayotgani hamda ularning ifloslanishi va zaxiralarining kamayishi davom etayotganini; 59 foiz yer osti suvlari tasdiqlanmagan zaxiralardan olinayotganini; yaqin o'n yillar mobaynida chuchuk yer osti suvlari mavjud resurslarining yarmidan ko'pini tiklab bo'lmas tarzda yo'qotishning real xavfi mavjudligini yaqqol ko'rsatdi. Shunday ekan suv zaxiralarini ko'z qorachig'imizdek asrash nafaqat bizning inson sifatida burchimiz balki kelajak avlodlar oldidagi burchimiz hamdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori "2017-2021-yillarda yer osti suvlari zaxiralaridan oqilona foydalanishni nazorat qilish va hisobga olishni tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2017-yil 4-may
2. Vazirlar mahkamasi qarori: "Yer osti suvlardan foydalanishni tartibga solish, ularni ifloslanishdan hamda kamayib ketishdan muhofaza qilishni kuchaytirish chora tadbirlari to'g'risidagi. 1992 yil 8 aprel, 179 son.
3. O'zbekiston Respublikasining qonuni: "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida", 1993 yil 6 may
4. www.ziyonet.uz, www.google.com

УДК 630.2-630.9

**Karimov Erkin Qodirovich, Adizov Shuhrat Bafoyevich,
Ismatov Temurbek Akbar o'g'li, Jurayev Kurbon Hafiz o'g'li,
Ibodov Islom Nizomiy o'g'li
(Buxoro, O'zbekiston)**

**O'RMONLARDAN FOYDALANISHDA YANGI MULKCHILIK
SHAKLLARINI JORIY ETISH HAMDA O'RMON XO'JALIGINI YANGI
BOSQICHGA OLIB CHIQISH**

O'rmon -o'rmon fondi yerlaridagi o'zaro ta'sir ko'rsatuvchi va atrof-muhitga ta'sir ko'rsatadigan, ekologik va ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega daraxtlar, butalar va boshqa tabiiy ob'ektlar yer, yer osti boyliklari, suv, o'simlik va hayvonot dunyosi, atmosfera havosi)majmuidir. O'rmondan foydalanish turlari quyidagilardan iborat: daraxtzorlar va butazorlarni kesish, pichan o'rish,chorva mollarini o'tlatish,asalari uyalari va qutilarini joylashtirish,yovvoyi holda o'suvchi o'simliklarning dorivor va texnik xom ashyosini yig'ish hamda tayyorlash,daraxt va butalarni kesmagan holda o'tin va shox-shabbalarni yig'ish,o'rmon-ovchilik, ovchilik va baliqchilik xo'jaliklari ehtiyojlari uchun foydalanish, ilmiy-tadqiqot, madaniy-ma'rifiy, tarbiyaviy, sog'lomlashtirish, rekreatsiya va estetik maqsadlarda foydalanish, ekologik turizmni rivojlantirish maqsadida foydalanish. Yerdagi ilk o'rmonlar taxminan 365 mln. yil oldin paydo bo'lgan. XIX asrning boshlarida o'rmonlar Yerning butun hududining 60 foizini egallagan, hozirda ular taxminan 30 foizni tashkil qiladi. O'rmonlar asosan ekologik suvni muhofaza qilish, qo'riqlash, sanitariya-gigiena, sog'lomlashtirish, regreatsion, estetik va boshqa vazifalarni bajaradi. Respublika O'rmon xo'jaligi Bosh boshqarmasiga qarashli yerlar maydoni 2017 yil 1 yanvar holatiga 11,9 mln gektarni yoki Respublika umumiy maydonining 24,93 % ini tashkil qiladi. Shundan o'rmon bilan qoplangan maydon, 2,7 mln gektarni va respublikaning umumiy yer maydoniga nisbatan 5,3 % ni tashkil qiladi. O'rmon xo'jaligi tizimida jami 113 ta, shundan 2 ta qo'mita, 9 ta boshqarma, 8 ta respublika tashkiloti, 1 ta institut filiali, 1 ta ilmiy markaz, 1 ta innovatsiya markazi,60 ta davlat o'rmon xo'jaligi, 5 ta davlat o'rmon ov xo'jaligi, 4 ta davlat qo'riqxonalari, 3 ta milliy tabiat bog'i, 1 ta biosfera rezervati, 1 ta biosfera qo'riqxonasi, 9 ta ixtisoslashgan davlat o'rmon xo'jaligi, 4 ta tajriba stantsiyalari, 4 ta davlat o'rmon ishlab chiqarish korxonalari mavjud. Jami xodimlar soni 8482 nafarni, shundan 374 nafari boshqaruv xodimi, 46 nafari ilmiy xodim, 791 nafari mutaxassislar, 2253 nafari ishlab chiqarish xodimlari 5018 nafari yordamchi xodimlar va ishchilar.



O'zbekiston o'rmon xo'jaligi –maxsus tabiatni saqlovchi va uni boyliklarini ko'paytiruvchi soha. Uning asosiy vazifasi etib o'rmonlarni takror ko'paytirish, saqlash va o'rmon fondi boyliklaridan oqilona foydalanish, respublik extiyojini o'rmon va o'rmon mahsulotlari bilan ta'minlash, o'rmonlarni ekologik, atrof muhitni muhofaza qilish, suvni saqlash, ximoya qilish, sanitar gigenik va rekreatsion faoliyatlarini kuchaytirish hisoblanadi. O'rmonni muhofaza qilish, qo'riqlash, takroriy ko'paytirish, qayta tiklash, mahsuldorligini oshirish hamda undan foydalanish sohasidagi davlat boshqaruvi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi, O'zbekiston Respublikasi Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi, mahalliy davlat hokimiyati organlari tomonidan ularning vakolatlari doirasida amalga oshiriladi. O'rmon xo'jaliklari faoliyatini samarali tashkil etish, ilg'or ilmiy-texnika yutuqlarini sohaga joriy qilish, moddiy-texnika bazasini yangilash, sohaga xalqaro moliya institutlarining grantlarini jalb etishni yanada kuchaytirish bo'yicha 2017–2021 yillarga mo'ljallangan chora-tadbirlar Dasturi ham qabul qilindi. O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasiga o'rmon xo'jaligini xolati va istiqbolda rivojlantirish, sohada ilmiy texnik progress, o'rmonlardan oqilona foydalanish, ko'paytirish, qo'riqlash va muhofaza etishni tashkil etish, ovchilik xo'jaligi, qo'riqxonalari ishi va tabiiy xalq bog'larini yuritishni boshqarish, o'rmonlarni ekologik va boshqa foydali xususiyatlarini kuchaytirishni amalga oshirish mas'uliyatlari yuklatilgan. Sohaga oid 25ta shu jumladan: 2ta qonun, 2ta Prezident Farmoni, 4ta Prezident Qarori, 1ta Prezident Farmoyishi, 12ta Vazirlar Mahkamasi qarori, 4ta Vazirlar Mahkamasi farmoyishi qabul qilindi.

O'rmon xo'jaligining rivojlanishiga katta ahamiyat berilgan. Shu maqsadda O'zbekiston Respublikasida 2018-yil 15-aprelda "O'rmon to'g'risida"gi qonun qabul qilingan. Ushbu qonun 57 moddadan iborat bo'lib o'rmonlarni muhofaza qilish, qo'riqlash, ulardan oqilona foydalanish, takroriy ko'paytirishni ta'minlash hamda o'rmonlar mahsuldorligini oshirish maqsadida o'rmonga oid munosabatlarni tartibga


solishdan, shuningdek yuridik va jismoniy shaxslarning huquqlarini muhofaza qilishdan iborat. 2007 yilda Surxondaryo viloyatida fermer xo'jaliklariga aylantirilgan shirkat xo'jaliklariga qarashli bo'lgan 27,1 ming gektar maydondagi noyob igna bargli archazorlar o'rmon xo'jaligi tarkibiga o'tkazildi. Qashqadaryo viloyatida ham o'rmon bilan qoplangan maydonlarni o'rmon fondi yerlariga o'tkazish bo'yicha bir muncha ishlar amalga oshirilmoqda. Respublikada o'rmonlarning muhimligi va ularni miqdori kamligini inobatga olib, harakatda bo'lgan me'yoriy hujjatlarga asosan yoppasiga kesish ishlari to'xtatilgan va faqat o'rmonlarni sanitariya holatlarini yaxshilash maqsadida kesish ishlariga ruxsat berilgan. Har yili har turdagi kesish ishlaridan 30-35 ming m³ yog'och olinib, mahalliy qurilish ishlarida va o'rmon xo'jaliklarida tashkil qilingan sexlarda xalq iste'moli mollari ishlab chiqarishda ishlatilmoqda. Bundan tashqari o'rmon xo'jaligi tizimida har yili 65 tonnadan ortiq yong'oq, 15 tonnadan ortiq bodom, 30 tonna pista, 2500 tonna meva-sabzavot mahsulotlari va 300 tonnaga yaqinroq dorivor va ozuqabop o'simliklar tayyorlanadi. Oxirgi yillarda ushbu dorivor va ozuqabop o'simliklarini va qisman qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qadoqlash va savdo shahobchalariga yetkazish ishlari amalga oshirilgan. Har yili Respublika o'rmon fondi yerlarida 42 ming gektar maydonida yangi o'rmonzorlar barpo etilmoqda. Shundan 80 % Orol dengizining qurigan tubida va Orol bo'yi mintaqalarida cho'l o'simliklaridan o'rmonzorlar barpo etilmoqda. Tog'li hududlarida 3 turdagi archa, yong'oq, bodom, pista va boshqa turdagi daraxtlar vodiy hududlarda terak, chinor qayrag'och, mevali daraxtlar va boshqa tez o'suvchi daraxtlar ekilmoqda. Keyingi yillarda urug'dan sepib madaniy o'rmonzorlar barpo etish yaxshi samara bermayotganligi sababli ko'chatdan ekish usuli keng ko'lamda qo'llanilmoqda. Bu o'z navbatida o'rmon bilan qoplangan maydonga o'tkazishni ta'minlashda yaxshi natija bermoqda.

O'rmon xo'jaligi Bosh boshqarmasi tomonidan respublika aholisining va xalq xo'jaligi ishlab chiqarishining yog'och xom ashyosiga bo'lgan ehtiyojini qondirish maqsadida terak va boshqa tez o'suvchi daraxtlarni sanoat plantatsiyasini ko'paytirishga katta ahamiyat berilmoqda. Hukumat tomonidan qabul qilingan 1994 yil 8 fevraldagi 62- sonli maxsus qarori bo'yicha o'rmon xo'jaliklarida har yili 400 gektardan jami 4,0 ming gektar sanoatbop plantatsiyalar barpo etish belgilanib, hozirgi kungacha o'rmon fondi yerlarida 5,3 ming gektar maydonda terakzorlar va boshqa tez o'suvchi sanoatbop daraxtlardan plantatsiyalar barpo etilgan. Dastlabki paytdagi ekilgan ko'chatlar bugungi kunga kelib sanoatbop yog'och sifatida kesib olinib, o'rniga yangi sanoatbop plantatsiyalar barpo qilinmoqda. O'rtacha har bir gektardan 200 m³, jami 5-6 ming m³ yog'och olinmoqda. Ushbu xom ashyo har bir xo'jalikda tashkil qilingan sexlarda xalq iste'mol mollari ishlab chiqarilmoqda. Hozirgi kunlarda mahsulotlarni turini ko'paytirib, ularning sifatiga katta ahamiyat berish natijasida respublika ichki bozorida o'rmon xo'jaligi mahsulotlari o'z o'rnini topdi.

O'tgan davrda 46,9 ming gektar, shundan Orolning qurigan tubida 19,0 ming gektar o'rmon barpo etildi. Shuningdek, 362 tonna turli daraxt va buta urug'lari tayyorlandi. Natijada 700 gektardan ortiq maydondagi ko'chatxonalarda 41,0 mln. dona nihol va ko'chatlar yetishtirildi. Hozirgi kunda o'rmon fondi yerlarida 800 ming gektardan ortiq sun'iy o'rmonzorlar mavjud. Shundan 1,4 ming gektarda igna bargli, 4,4 ming gektarda qattiq bargli, 6,4 ming gektar maydonda yumshoq bargli, 24,8 ming gektarda yong'oq va yong'oq mevali hamda boshqa turdagi o'rmonzorlardan iborat. Ekologik jihatdan yechimi lozim bo'lgan muammolardan biri Orol

muammosini yechish maqsadida Orol dengizi tubida ko'tariladigan qum va zararli tuz zarrachalarining havoga ko'tarilishining oldini olish maqsadida dastlabki yillarda yiliga 3-4 ming gektardan ekilgan bo'lsa, 2000 yildan boshlab yili 15-20 ming gektardan himoya o'rmonzorlari barpo etib, hozirgi kunda ushbu maydon hajmi 300 ming gektardan ortdi.

Davlat o'rmon fondining hududlar bo'yicha taqsimlanishi



Oxirgi yillarda respublikamizda yangi qurilish ishlari nihoyatda rivojlanib borayotganligi, shu bilan birgalikda obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish ishlari ko'payib ketayotganligi natijasida manzarali noyob, kimmatbaxo daraxtlar ko'chatlariga bo'lgan talabning yildan yilga o'sib borishini hisobga olib o'rmon xo'jaliklarida bozorbop, xaridorgir ko'chatlarni yetishtirishga katta ahamiyat berilmoqda. Har yili respublika o'rmon xo'jaliklarida 32 mln. dona ko'chat yetishtiriladi. Bu ko'rsatkich hozirgi kunda yiliga 50 mln donaga yetkazildi. Shu jumladan, 3 mln dona igna bargli, 15 mln dona mahsuldor daraxtlarni ko'chatlari yetishtirilmoqda.

Respublikamizda Mustaqillikka erishilgandan keyin xalq xo'jaligini rivojlantirish maqsadida katta-katta maxsus ixtisoslashgan ishlab chiqarish markazlari barpo etilmoqda. Shu ob'ektlarning chet atroflarida yashil voha barpo etish bo'yicha Vazirlar Mahkamasining bir necha qarorlari qabul qilindi. Ushbu qarorlarga asosan Buxoro viloyati Qoravulbozor tumanidagi neftni qayta ishlash zavodining chetlarida 10 ming gektar maydonda yashil voha barpo etildi. Sho'rtangaz kimyo majmuasining hududida 5 ming gektar maydonda ixota o'rmonzorlari barpo etildi. Qo'ng'iro't soda zavodining ichki qismini obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish bo'yicha hamda atrofida yashil voha barpo etish bo'yicha tashkiliy ishlar olib borilmoqda. Hozirgi kunda eng dolzarb masalardan biri bu fermer xo'jaliklarini yerlarini shamol va suv eroziyasidan himoya qilish va sizot suvlarini pasaytirib yerlarni sho'rланishini oldini olish deb hisoblanadi. Yerlarni meliorativ holatini yaxshilash masalaridan biri bu dala va yaylov ixota o'rmonzorlar barpo etishdir. Oxirgi yillarda shu masalaga kam ahamiyat berilmoqda. 1992 yil xolatiga respublika bo'yicha qishloq xo'jaligi yerlarida 40 ming gektarda ixota urmonzorlar barpo etilgan edi. Hozirgi kunga kelib shu o'rmonlarni ko'pi kesilib ketgan yoki

biologik yoshini o'tab, siyraklashib o'z himoya vazifasini bajarishga yaroqsiz holga kelib qolgan. Shu holatlarni etiborga olib ixota o'rmonzorlar barpo etish ishlarini respublika rahbariyati o'z qaramog'ida qoldirish kerak va markazlashgan holda yer maydonlarini va mablag'larini ajratib berish zarur.

Respublikamiz o'rmon resurslarining boy salohiyatidan to'la-to'kis va oqilona foydalanishni ta'minlash, o'rmon xo'jaligi boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish, o'rmon fondi yerlaridan foydalanish samaradorligini oshirish, sohaga ilg'or ilmiy-texnika yutuqlarini joriy etish, o'rmon xo'jaliklarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va modernizatsiya qilish, shuningdek, xorijiy investitsiyalarni yanada faol jalb etish va ekologik turizmni rivojlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 11-maydagi "O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasini tashkil etish to'g'risida"gi PF-5041-sonli Farmoni imzolandi. Unga ko'ra O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi O'rmon xo'jaligi bosh boshqarmasi negizida Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlarda bo'linmalariga ega bo'lgan O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi tashkil qilindi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Davlat o'rmon qo'mitasini O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi huzuridagi O'rmon xo'jaligi bosh boshqarmasiga aylantirish to'g'risida" 2000 yil 7 fevraldagi PF-2536-son Farmoni o'z kuchini yo'qotdi. PF-5041-sonli Farmoni ijrosini ta'minlash va O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi faoliyatini samarali tashkil etish maqsadida, Toshkent viloyati hokimligi tasarrufidagi Ugom-Chotqol davlat milliy tabiat bog'i va uning tarkibiga kiruvchi Chotqol davlat biosfera qo'riqxonasi, Ohangaron va Burchmulla o'rmon xo'jaliklari, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi tizimining suv xo'jaligi tashkilotlari tarkibidagi irrigatsiya o'rmon xo'jaliklari O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi tizimiga berildi. O'rmonlardan samarali foydalanishda O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi tizimidagi xodimlarning ish faoliyati samaradorligini va moddiy manfaatdorligini oshirish maqsadida o'rmonlarni muhofaza qilish, qo'riqlash, ulardan oqilona foydalanish va ularni takroriy ko'paytirganlik uchun O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi va uning tizimiga kiruvchi tashkilotlar, Qoraqalpog'iston Respublikasi O'rmon xo'jaligi qo'mitasi, viloyatlar boshqarmalari va davlat o'rmon xo'jaliklari xodimlarini moddiy rag'batlantirish tadbirlari amalga oshiriladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, o'rmon xo'jaligi tabiatning ajralmas qismi bo'lib uni asrab-avaylash, sohani yanada rivojlantirish bizning asosiy maqsadimizdir. Prezidentimiz tomonidan o'rmon xo'jaligi rivoji uchun qabul qilinayotgan qonun, qaror, farmoishlar davlat o'rmon fondini davlat tomonidan boshqarish samaradorligini oshiradi va soha faoliyatini sifat jihatidan yangi pog'onaga ko'taradi. O'rmon resurslaridan samarali va oqilona foydalanish va ularni qayta tiklash, keng ko'lamda ko'paytirishni joriy etish, o'rmonlarni muhofaza qilish va ulardan samarali foydalanish, sanoat ko'lamida manzarali va mevali daraxt va butalar plantatsiyalarini yetishtirishni kengaytirishni ta'minlaydi. Tuproq-iqlim sharoitlariga moslashtirilgan manzarali daraxt va buta o'simliklari ko'chatlarining yangi navlarini yaratish, ilmiy asoslangan istiqbolli texnologiyalarni ishlab chiqish, eksportbop ko'chatlarning yangi navlarini yaratish, seleksiya ishlari samaradorligini oshiradi. O'rmon fondi potensialidan yanada samarali foydalanish, hududlarning ekologik holatini

yaxshilash, qo'shimcha daromad olish va yangi ish o'rinlari yaratishga erishiladi. Dorivor o'simliklarni madaniy holda yetishtirish hamda ularni chuqur qayta ishlashga ixtisoslashgan tashkilotlar tuzilishiga zamin hozirlanadi. Iste'mol bozorining qishloq xo'jaligi, jumladan, asalarichilik, baliqchilik, chorvachilik mahsulotlari va xalq iste'moli tovarlari bilan to'ldirilishini ta'minlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi qonuni "O'rmon to'g'risida" 1999-yil 15-aprel, O'RQ-770-1son
2. O'zbekiston Respublikasi qonuni "O'rmon to'g'risida" Yangi tahrir 2018-yil 16-aprel.O'RQ-475son
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi o'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasini tashkil etish to'g'risida"gi PF-5041 farmoni. 2017-yil 11-may.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-2966 son qarori. 2017-yil 11 may.
5. www.ziyonet.uz, www.google.uz, www.o'rmon.uz

УДК 631.1

**Пиримов Жонибек Жумамуродович, Аҳмадов Беҳзод Обидович,
Исматов Темурбек Акбар ўғли, Жураев Курбон Ҳафиз ўғли
(Бухоро, Ўзбекистон)**

**ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ
РОЛИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқликда, давлат чегараси доирасида, шу жумладан, барча минтақалар, вилоятлар ва туманлар маъмурий ҳудудларида қонунлар асосида ер ресурсларидан фойдаланиш ишлари бошқарилмоқда. Республикада ер ресурсларини бошқаришда бир неча босқичлардан иборат бўлиб булар: давлат бошқаруви, маҳаллий бошқарув ва хўжалик бошқарувидан ташкил топган. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органлари тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш, фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш - ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда, фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш, фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш, ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини кимовши савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш, - ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатиغا олинишини ташкил этиш, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш, - қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш

ваколатларига эга. Бу ваколатлар доирасида кишлоқ хужалиги экин майдонларининг норматив кийматини аниқлаш тизими ҳам муҳим урин тутади.

Маълумки, давлатнинг ерга бўлган эгаллик ҳуқуқини амалга оширувчи Республика ҳокимияти идоралари ер участкаларини корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида тақсимлайдилар. Бир қисм ерлар эса бўлинмасдан қолади. Булар, асосан, ўзлаштирилмаган ерлардир. Булар кейинчалик хўжалик оборотига киритиладиган резерв ёки экологик мувозанатни таъминлаб турадиган ерлардир. Бу ерларни, яъни захира ерларни ҳолатига қараб икки турга бўлиб урганишимиз мумкин. Бу ерларга ердан фойдаланишда резерв ролини ўйнайдиган, яъни кейинчалик фойдаланиш учун база бўлиб хизмат қиладиган ва фойдаланишга умуман яроқсиз бўлган ерлар киради. Бугунги кунда кишлоқ хужалигида сугориладиган майдонларнинг камайиши ва шурланиши юқори булган майдонларнинг ортиши захира ерлар майдонларини ортишига олиб келмоқда. Ер кодексининг 45-моддасига кўра “Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган ерлар жумласига киради”. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг сугорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди. Бу эса ваколатли давлат органлари зиммасига улкан маъсулият юклайди. Жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ердан фойдаланишда резерв ролини ўйнайдиган, яъни кейинчалик фойдаланиш учун база бўлиб хизмат қиладиган ерларнинг миқдорини аниқлаб келгусида шу ерлардан қайси мақсадга хизмат қилишини режалаштириш ёки фойдаланишга умуман яроқсиз бўлган ерларни бошқа мақсадларга йуналтиришни режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Захира ерлар асосий фойдаланиш мақсадига кўра ҳар қандай бошқа ер фонди тоифасига ўтиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларга ўша ер фондининг ҳуқуқий ҳолати қўлланилади. Давлат захира ерлари қисқа муддатли – 3 йилгача ва узоқ муддатли – 3 йилдан 10 йилгача муддатга берилиши мумкин. Қоидага кўра, қисқа муддатга берилган ер участкалари захира ерлар таркибида ҳисобланади. Муддатнинг тугаши билан эса у бошқа ердан фойдаланувчиларга берилиши ёки захира ерлар таркибида қолиши мумкин. Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади. Ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда, ишлаб чиқариш кучларини тугри ташкил қилиш, тупроқ бонитровкаси, ерларни иқтисодий баҳолаш ва кишлоқ хужалиги экин майдонларининг норматив кийматини аниқлаш борасида маҳаллий ҳокимият органлари ролини янада кучайтириш ҳозирги кун долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августда “Кишлоқ хужалиги экин майдонларининг норматив кийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тугрисида”ги 235-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг П-булим 9-бандида Норматив кийматни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қумитасининг Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти “Ўздаверлоиҳа” томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Ушбу қарор ижросини бажариш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманларида 88491 та қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар, шундан 84612 та фермер хўжалиқлари, 3879 та бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар буйича қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматлари аниқланди.

Ерларнинг норматив қийматини аниқлаш ер-қадастри ҳисобининг асосий ташкил қилувчилардан биридир. Ерларнинг норматив қийматини аниқлаш яқунлари туман ер-қадастри дафтарига киритилади. Киритилган узгартиришлар ҳамда ерларнинг норматив қийматини аниқлаш яқунлари қўшимча қилиб, ер-қадастри дафтарида тулдириб турилади.

Ерларнинг норматив қиймати ер қадастр маълумотлари қисми бўлиб, қишлоқ хўжалиқ товарлари ишлаб чиқарувчиларга, туман давлат солиқ инспекцияларига ягона ер солиғи ҳисоблашда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси учун ягона ер солиғини йиғилишини назорат қилиш ва прогнозлаш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Давлат бюджетининг ҳисоби ва режалаштириш учун тақдим этилади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, ер тузиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ҳисобга олиш ҳамда баҳолашни такомиллаштириш, давлат бошқарув органларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва оширишни таъминлаш соҳасида фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишларини ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ер участкаларида чегара белгиларини ҳуқуқий ва илмий жиҳатдан асослаб ташкил қилиш ва урнатишни тақриф қилардим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М. Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 11 март Фармони.
3. "Давергеодезкадастр" давлат қўмитаси миллий ҳисоботлари, Т.: 2014-2016 йй.

SECTION: ECONOMICS

**Ashot Matevosyan V., Mane Matevosyan H., Tatevik Azatyan K.
Armenian State University of Economics
(Yerevan, Armenia)**

THE ASSESSMENT OF INDUSTRIAL PRODUCTION AND EXPORT INTERCONNECTION OF ARARAT PROVINCE OF THE REPUBLIC OF ARMENIA

Abstract: *Within the framework of this article, the main goal is to study the volume of industrial product and the sales process in Ararat province of the Republic of Armenia, to identify the connection between industrial production and the export volume. On the basis of the results obtained, several important issues related to the vision of territorial administration and development in the Republic of Armenia are raised. Particularly, from the point of view of national security and food security, the issue of expediency of applying zoning model based on international experience is proposed.*

Keywords: *industry, industrial output, export, territorial development, government support, zone.*

Аннотация: *В рамках этой статьи основной целью является изучение объема промышленной продукции и процесса продаж в Араратской области Республики Армения для определения связи между промышленным производством и объемом экспорта. На основе полученных результатов было поднято несколько важных вопросов, связанных с видением территориального управления и развития в Республике Армения. В частности, с точки зрения национальной безопасности и продовольственной безопасности был предложен вопрос о целесообразности применения модели зонирования на основе международного опыта.*

Ключевые слова: *промышленность, промышленная продукция, экспорт, территориальное развитие, государственная поддержка, зона.*

One of the priorities of the socio-economic development of the Republic of Armenia is territorial proportional development. It is worth noting that it was recorded in the "Strategic Plan for Prospective Development" for 2014-2025, particularly it states: "The targeted territorial development policy should be targeted on outside of Yerevan- to promote economic growth and social development of the provinces and communities. It should provide economically high rates of development of less developed areas and a gradual approach of their perspective development to the average national level. At the same time, this policy should also

ensure the convergence of the rates of development of territories with each other and their balanced development in the long term.”¹

In 2018, one of the priorities of the RA Government program is monitoring and evaluation of the results of the 2017-2025 development strategies of the Armenian provinces², thus, the most important is the assessment of the economic potential for territorial economic development, in particular, the disclosure of industry and export relations. After the velvet revolution in Armenia, this is one of the most important problem and requires adequate solutions.

Emphasizing the above mentioned issue, within the framework of this article we assessed the connection between the volume of industrial production and exports of Ararat province and proposed solutions.

The territory of Ararat province of Armenia is 2096 square kilometers and constitutes about 7% of the total territory of the republic, the population is 260.8 thousand, constitutes about 8.2% of the Armenian population. The province is located in the south-western part of the republic

Ararat province is one of the most economically developed regions of RA. The volume of industrial production in Ararat has recorded a significant growth trend in recent years, especially in 2012. In 2017, GDP per capita of Ararat province was 1 261 444 AMD, which is 74% of the average national GDP per capita. In 2017 the volume of industrial output (at current prices) in comparison with the same period of last year, increased by more than 11.975 billion AMD. The vast majority of Armenia's wine, brandy and vodka production is produced in Ararat. Annually more than 455 thousand dal. vodka, 64 thousand dal. brandy, 57.4 thousand dal. wine, 5.2 thousand dal. alcohol are producing. In 2017 the volume of exports was 71 860.4 million AMD. There are 7087 active organizations in Ararat province, which is 11.6% of the regional indicator of the republic, and the number of organizations per 10 000 population is 274.³ In recent years, the industry of the province has undergone structural changes, although the agricultural processing industry is leading, the share of the food industry has considerably risen. The production capacity of the province's industrial complex is concentrated in Ararat region. In 2014, 2015, 2016 Ararat province was accordingly in the 4th, 3rd and 4th places with the share of its industrial output, as compared to the other regions in the Republic of Armenia.⁴

The following strategic goals have been defined in the development strategy of 2017-2025 for Ararat province:⁵

1. Provision of 20% economic growth in Ararat province through the use of intensive methods of economic management, job creation and poverty reduction.

¹ Attachment of the N 442 decision of the RA government on March 27, 2014 - N. "Republic of Armenia 2014-2025 Strategic Program of Prospective Development" p. 102, point 333

² Attachment of the N 275 decision of the RA government on January 11, 2018 "On the Program of Measures of Activities of the Government of the Republic of Armenia for 2018 and On Approval of Priority Issues", p. 39, point 90

³ "The development strategy of Ararat province for 2017-2025" Artashat 2017, p. 23

⁴ The assessments are based on research analyzes

⁵ The program of activity of Ararat province for 2018 according to 2017-2025 development strategy of the province, Attachment N 2 , Minister of Territorial Administration and Development "08" May 2018 Order No. 131-A, Artashat 2017, p. 4

2. Reducing disparities in the least developed areas in Ararat province by 10%, that is an ensuring a high level of development through direct investment in 10 remote and 9 border communities of the province.

3. Increasing the activity of regional and local actors and improving human capital management skills.

To achieve these goals, two priority directions were identified:

1. The industrial growth, focusing on the development of small and medium businesses, that is the development of the processing industry and the increase in exports.

2. Development of intensive agriculture, modernization of agriculture in the province with the introduction of new technologies.

кунда жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнлар, ахборот оқимининг ҳажми ва аҳамияти кескин ортиб бораётгани дунёнинг муайян кўринишини шакллантириш ва инсонлар, айниқса, ёшлар орасида анъанавий қадриятлар ва меъёрларнинг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатади. Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги bosқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли, 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3022-сонли, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарорлари ва фармонлари, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 26 йиллиги муносабати билан 2018 йил 7 декабрда ўтказилган мажлисдаги нутқи ушбу йўналишдаги масалаларнинг моҳиятини англаш ва долзарб вазифаларни белгилашнинг методологик асоси эканлиги шубҳасиз.

Аслида қадриятлар тизими ва у билан боғлиқ мавзулар инсоннинг ўзи каби олис тарихий жараёнларнинг таркибий қисми, жамиятнинг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган ижтимоий воқеликнинг ўзига хос феноменидир. Ҳар бир тарихий bosқич, инсоният ҳаётининг ҳар қандай даври ўзига хос қадриятлар ва қадрият тизимларига эга бўлиши, бу омилнинг давлатлар ва миллатлар тарихи ҳамда тақдирида улкан аҳамиятга эга эканлиги тараққиётнинг умумий қонуниятидир. Ушбу қонуният ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам алломалар ва мутафаккирлар, олимлар ва мутахассисларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Бу борада кўплаб таълимотлар ва назариялар яратилган, хилма-хил қарашлар ва ёндашувлар шаклланган. Мазкур йўналишда тўпланган билимларни ўзлаштириш, аксиологиянинг бугунги кундаги долзарб масалаларини ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиш замонавий дунёқараш ва илмий тафаккурни шакллантиришга ёрдам беради.

Маълумки, қадриятлар жамият ва инсон фаолиятига ўзига хос таъсир кўрсатади. Улар гоҳида идеал сифатида кишиларни омилкор фаолиятга ундасалар, гоҳида маънавий мезон, ахлоқий талаб сифатида одамларнинг хатти-ҳаракати ва турмуш тарзини, интилиш ва эҳтиёжларини белгилайдилар, фаолиятларини бошқариб ёки йўлга солиб турадилар. Бунда қадриятларнинг регулятив функцияси ва маънавий мезон сифатидаги аҳамияти яққол намоён бўлади.

Муайян қадриятларни барқарор қилиш бутун халқ, миллат, давлат ёки қавмларни бир муддат ёки узоқ вақтга қадар аниқ мақсадлар йўлида бирлаштиради, улар фаолиятининг йўналишини белгилайди. Масалан, ҳозирги даврда мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш республикамиз ҳукумати, аҳолиси, ундаги миллат ва ижтимоий субъектларнинг фаолиятини белгилаб турган асосий мезондир. Бунда қадриятларни қайта баҳолаш, қадрлаш меъёрлари, қадрият мўлжаллари, қадрсизланиш даражалари билан боғлиқ

муаммоларни илмий ўрганиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида айниқса, ёшларимизнинг турли ахборот хуружлари, шунингдек, жамиятимиздаги ёт бўлган ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шаклланди.

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув даврида мустақил юртимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Аҳолини, хусусан, ёшларни жамиятимизга ёт бўлган турли таҳдидлардан асраш, огоҳликка чорлаш, асосий мақсад шуки, ёшларни юртга садоқат, бой қадриятларимизни қадрлашга чорлаш, улар онгида маънавий бўшлиқ қолмаслигига эришишдир.

Жаҳон харитасида рўй бераётган ўзгаришлар, собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши, унга хос қадриятлар тизимининг ўтмишга айланиши, Ўзбекистонда мустақилликка асосланадиган қадриятлар системасини шакллантириш имкониятлари ва эҳтиёжлари қадриятшунослик борасидаги янги-янги изланишлар учун асос бўлмоқда. Бу жараённинг умумаксиологик қонуниятлари, минтақавий жиҳатлари ва республикага хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш муҳим аксиологик вазифага айланмоқда. Жамиятимизда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини тарбиялаш, миллий қадриятларни тиклаш, авайлаб-асраш, инсон қадри, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам муҳим масалалар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ҳаётида кейинги йилларда қадриятлар, хусусан, ижтимоий маънавий-маърифий қадриятлар тизимини такомиллаштириш долзарб мавзулардан бирига айланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189 (6883).
2. Мирзиёев Ш. М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
3. Мирзиёев Ш. М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
4. Мирзиёев Ш. М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.
5. Мирзиёев Ш. М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

Нуриддинов Хожиакбар Джалалитдинович
(Ташкент, Узбекистан)

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Аннотация: *Имом Ғаззолийга ўхшаган Шарқ мутафаккир олимлари ёзиб қолдирган асарлар бугунги кунимизнинг масалаларига ҳам ечим бўлиб, инсонларнинг ахлоқий фазилатларига даъват этиш ва келажак авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу олимнинг ибратли ҳаёти, миллий ва маънавий мероси, ҳаёт фалсафалари ривож учун қўшган ҳиссаларини ўрганиш мақсадида фалсафий қарашлари ҳақида маълумотлар берилди.*

Аннотация: *Произведения Имам Газзалий и некоторых восточных мыслителей, на сегодняшний день, играют важную роль в воспитании духовно развитого поколения. Поэтому были даны информации о его примерной образе жизни, национальной и духовной наследии и его философских взглядах, которые внесли свой вклад в развитии философии жизни.*

Annotation: *The compositions of Imam Gazzaliy and other eastern thinkers played main role in spiritual development of owing up generation. Therefore we gave some information about his life, national and spiritual heritage and philosophical sights which brought its contribution into the philosophy of life*

Файласуф ал Ғаззолий Тус шаҳрида туғилиб ўсди. Жуда ёшлик чоғиданоқ олимлик поғонасига кўтарилди. 1091 йилдан бошлаб у Бағдоддаги машҳур Низомий мадрасасида талабаларга фалсафа ва илоҳиёт илмидан сабоқ берди. У 34 ёшида кучли руҳий инқирозни бошидан кечирди. Шундан сўнг ҳақиқатни файласуфлар белгилаган йўлдан топа олмаслигини тушуниб, мударрисликни ташлади ва мустақил равишда тасаввуф илмини ўрганишга киришди. Орадан 11 йил ўтгач, имом Ғаззолий яна мадрасага қайтиб, талабаларга таҳсил бера бошлайди. У бутун умрини ҳақиқатни одамларга тушунтириш ва адашганларни тўғри йўлга қайтаришга бағишлади.

Ғаззолийнинг фалсафа, тасаввуф илмига оид асарлари жуда ёрқин, раван ва тушунарли услубда битилган. Қуйида унинг ана шундай асарларидан баъзиларини санаб ўтаемиз: Шунингдек, имом Ғаззолийнинг баъзи китоблари ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга тақдим этилган. Қуйидагилар унга мисол бўлади:

- Мукошафатул қулуб. (қалблар кашфиёти) Таржимон Миразиз Аъзам.⁸
- Уйланиш китоби. Таржимон Йўлдош Эшбек.⁹
- Кимёи саодат. (Рух ҳақиқати) Таржимон Маҳкам Маҳмуд Андижоний.¹⁰
- Қирқ ҳадиси қудсий. Таржимон Рашид Зоҳид.¹¹

⁸ Т.: Адолат, 2002. – 512 б.

⁹ Т.: Тошкент, 2009. – 63 б.

¹⁰ Т.: Адолат, 2005. – 233 б.

– Қиёмат ва охиратнома. Таржимон Оғабек Ғайбуллоҳ ўғли.¹²

– Эй фарзанд. Таржимон Йўлдош Эшбек.¹³

Ғаззолийнинг Ихёу Улумуд-дин асарининг илм, закот, тавба, тафаккур, рўза сирлари, риёзатун–нафс, ўлимни ешлаш, ўлимдан сўнг ва қалб китоблари ҳам таржима қилинган.

– Илм китоби. Таржимонлар гуруҳи.¹⁴

– Закот китоби. Таржимон Мубашир Аҳмад.¹⁵

– Рўза китоби. Таржимон Мубашир Аҳмад.¹⁶

– Тавба китоби. Таржимон Рашид Зоҳид.¹⁷

– Риёзатун-нафс китоби. Таржимон Рашид Зоҳид.¹⁸

– Ўлимни эшлаш китоби. Таржимон Рашид Зоҳид.¹⁹

– Қалб китоби. Таржимон Рашид Зоҳид.²⁰

– Ўлимдан сўнг китоби. Таржимон Рашид Зоҳид.²¹

– Тафаккур китоби. Таржимон Бобомурод Эрали.²²

Имом Ғаззолий ҳақида файласуфлар:

«Фақат фалсафа билангина ҳақиқатни топиш, яқин ва саодатга эришиш мумкин» – дер эдилар. Имом Ғаззолий эса айнан ўша нарсаларни қидираётган эди. Ғаззолий фалсафани ихлос ила икки йил давомида чуқур ўрганди. Кўпчилик мутахассисларни ажаблантирадиган нарса, икки йил давомида катта меҳнат натижасида, мустақил таълим ила юксак даражага етишганлигидир. Лекин Имом Ғаззолий фалсафада ҳам ўзи излаётган ҳақиқат мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Аммо бу нарса улўғ олимга фалсафа ва файласуфлар ҳақида адолат ила ҳукм чиқаришга ҳалақит бермади. Олим бу борадаги илмий изланишлари натижасини фалсафа ва мантиққа аталган бир қанча китобларида ёзиб қолдирди.

1. «Мақосидул фалосифа».

2. «Таҳофутул фалосифа».

3. «Маҳкун-назар фил мантиқ».

4. «Мийёрул илм фил мантиқ».

5. «Ал-Мунқиз миназ-Золал».

Имом Ғаззолий ўз асарларида фалсафа ва файласуфларга холисона баҳо беришга ҳаракат қилди. У ўзининг «Мақосидул фалосифа» китобида фалсафага оид илмларни тўртга бўлади ва уларнинг ҳар бирига ўзига яраша баҳо беради:

1. Аниқ фанлар.

¹¹ Т.: ТИУ нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2008. – 19 б.

¹² Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – 46 б.

¹³ Т.: Ўша нашриёт, 2005. – 54 б.

¹⁴ Т.: Ўша нашриёт, 2003. – 154 б.

¹⁵ Т.: Ўша нашриёт, 2003. – 27 б.

¹⁶ Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 10 б.

¹⁷ Т.: Ўша нашриёт, 2003. – 72 б.

¹⁸ Т.: Ўша нашриёт, 2006. – 45 б.

¹⁹ Т.: Ўша нашриёт, 2004. – 114 б.

²⁰ Т.: Ўша нашриёт, 2006. – 120 б.

²¹ Т.: Ўша нашриёт, 2005. – 48 б.

²² Т.: ТИУ матбаа бирлашмаси, 2007. – 31 б.

Ҳисоб, ҳандаса, жуғрофия каби илмлар. Буларда ақлга тўғри келмайдиган нарсалар йўқ. Улар аниқ ҳужжатларга асосланган илмлар. Шу боис, уларни инкор қилиб бўлмайди.

2. Мантиқ.

Бунда ҳам динга тегишли нарса йўқ. Мантиқ илми ақлий ўлчовларга назар солиш, бурҳон муқаддималари шартларини ўрганиш, уларнинг таркибидан хабардор бўлиш каби нарсалардир.

3. Табiiй илмлар.

Бу илмларда ҳам динга боғлиқ нарсалар йўқ. Улар ҳаммаси тажрибага суянадиган нарсалар. Шунинг учун, буларни ҳам инкор қилиб бўлмайди.

4. Илоҳиётга оид илмлар.

Бу борада файласуфларнинг кўплари яратувчини инкор қиладилар. Бунда тўғри йўл тутганлари жуда нодир²³.

Имом Ғаззолий, асосан, файласуфларни худди шу бобда танқид қилади. Кўпчилик фалсафа ҳақидаги танқидий гапларни умумийлашган ҳолда тушуниб хато қиладилар.

Имом Ғаззолий файласуфларни уч тоифага бўлган:

1. Даҳрийлар.

Улар Аллоҳ таолонинг борлигини ва холиқлигини инкор қилган ва «олам ўзини ўзи яратган» дейдиган кишилардир.

2. Табиатчилар.

Улар Аллоҳ таолонинг борлигини эътироф қилсалар ҳам, қайта тирилиш ва савобни инкор қилганлари учун диндан чиққанлар.

3. Илоҳиётчилар.

Булар илоҳиёт ҳақида баҳс юритган Сукрот, Афлотун, Арасту, Форобий ва Ибн Синога ўхшаш файласуфлар. Уларнинг баъзи гапларини эътироф қилишдан бошқа чора йўқ. Мисол учун, Аллоҳ таолонинг борлигини эътироф қилишлари. Аммо баъзи гапларида улар адашиб қолганлар²⁴.

Имом Ғаззолийгача фалсафа Исломга қарши ҳужум қилар ва мусулмон уламолар ҳимояланиш билан кифояланар эдилар.

Имом Ғаззолий эса, фалсафани яхши билгани учун, унинг камчилиги ва айбларини англаб етгани учун, бевосита унга шиддатли ва аёвсиз ҳужум қилишни йўлга қўйди. Бунинг учун аввал фалсафани кўпчиликка улар тушунадиган услуб ва тилда англатиш лозим эди. Чунки, ўша давргача фалсафа китоблари кўпчилик тушунмайдиган услуб ва тилда ёзилар эди. Уни фақат файласуфларгина англаб етар эди. Бу эса, ўзига хос тўсиқ яратган ва файласуфлардан бошқаларга фалсафа ҳақида сўз юритиш имконини йўққа чиқарган эди.

Имом Ғаззолий «Мақосидул фалосифа» номи билан осон тил ва услуб ила китоб ёзиб, кўпчиликка фалсафа нима ва файласуфлар нимани мақсад қилиб олганликларини тушунтириб бердилар. Бу китобда Ғаззолий фалсафий истилоҳларни ва файласуфлар юритадиган баҳсларни ҳеч қандай шарҳ ёки танқид қилмай, уларнинг айна ўзини келтирган.

²³ Ғаззолий Абу Ҳомид. Мақосидул фалосифа. Дарул маъориф, Миср, 1961. – Б. 12.

²⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Ж.5. Шарқ, Тошкент, 2008. – Б. 333.

Имом Ғаззолий кўпчиликка фалсафа нима, файласуфлар ким, ҳамда мақсадлари қандайлигини англатиб олганидан кейин, адашган фалсафачиларни танқид қилишга ўтди.

Бу ишни имом Ғаззолий, асосан, «Таҳофутул фалосифа» номли китобида амалга оширди. Бу китобнинг муқаддимасида имом Ғаззолий ўша пайтларда бошқалардан ўзини юқори тутадиган тоифалар чиққанини, улар исломий ибодатлардан бош тортаётганларини, динга шиор бўлган намозга ўхшаш нарсаларга паст назар билан қараётганларини, ҳаром қилинган нарсалардан сақланмаётганларини, баъзилари эса бутунлай диндан чиқиб кетганларини ва бошқа афсусланарли ҳолатлар бўлаётганини айтади. Сунгра, мазкур шахсларнинг кўфрга кетишлари сабаби ҳақида қуйидагиларни ёзади:

Аmmo уларнинг кўфрларининг сабаби, Сукрот, Буқрот, Афлотун, Аристотел каби улуғ исмларни, уларнинг издошларидан ақллари ўткирлиги, усулларининг гўзаллиги, ҳандаса, мантиқ, табиат ва илоҳиётга оид илмларни нозик жойларигача билишлари ҳақидаги мақтовларни, буюк ақлли бўлганлари учунгина ана шу ишларни қила олишлари ҳақидаги муболағали гапларни эшитганларидир²⁵.

Имом Ғаззолий бу китобда тўртта муқаддима қилган. Биринчисида ўз услубларини, иккинчисида файласуфларнинг ҳолини, учинчиси ва тўртинчисида уларнинг шарият билан тўқнашадиган ва тўқнашмайдиган илмларини баён қилган²⁶.

Кейин эса, файласуфларни танқид қилишга ўтган. Бу танқидлар илоҳиётга ва метафизикага оид ўн олтита ҳамда табиат илмларига тегишли тўртта масалани ўз ичига олган.

Мазкур йигирма масаладан учтасида файласуфлар кўфрга кетганлиги ҳақида қарорга келган. Ўша уч масала қуйидагилар:

1. Файласуфларнинг «Олам қадимдир» деган гаплари.

Файласуфлар ўзларининг турли ақлий далилларидан келиб чиқиб, «Олам қадимдир, у кейин пайдо бўлган ҳам эмас, уни биров яратган ҳам эмас», деган фикрни айтганлар.

Имом Ғаззолий уларга олам қадимий илоҳий ирода ила мавжуд бўлгани, ўша ирода оламнинг маълум вақтда вужудга келишини ирода қилгани, ундан олдин мавжуд бўлиши ирода қилинмагани, шунинг учун у пайдо бўлмагани, янги пайдо бўлган ҳар бир нарса эса силсила ила охири ва қадимги сабабга бориб тақалиши ва ўша сабаб Аллоҳ таоло эканлигини таъкидлади.

2. Файласуфларнинг: «Аллоҳ таоло жузъий нарсаларни билмайди», деган гаплари.

Файласуфларнинг фикрича, Аллоҳ таоло фақат собит куллиётларнигина билади. Шу нарса унинг камолига мос келади. Жузъий – майда нарсалар ўзгариб туради. Шунинг учун, уларга боғлиқ илм ҳам ўзгариб туради. Илмнинг ўзгариб туриши эса Аллоҳ таолонинг камолига тўғри

²⁵ Ғаззолий Абу Ҳомид. Таҳофутул фалосифа. Дорул маъориф, Миср, 1972. – Б. 73-74.

²⁶ Надавий Абулҳасан. Рижалул фикри вад-даъва фил Ислам. Дару ибн Касир, Байрут, 2003. – Б. 253.

келмайди. Аллоҳ таоло инсониятнинг амалларини тўп шаклида умумий ҳолда билади холос. Одамлардан алоҳида шахсларнинг қилган амалини билмайди.

Имом Ғаззолий Аллоҳ таоло ўша жузъий амалларнинг барчасини ўзгармас битта илм ила билишини таъкидлайди.

3. Файласуфларнинг охиратда жасадларнинг қайта тирилишини инкор қилишлари.

Уларнинг фикрича, охиратда фақат руҳлар қайта тирилтириладилар, холос. Бинобарин, жаннатда жисмнинг лаззатланиши ва дўзахда азобланиши ҳам бўлмайди.

Имом Ғаззолий эса, жисмларни йўқдан бор қилишга қудрати етган Аллоҳ таоло уларни чириганларидан кейин қайта тирилтириши осонроқ эканини таъкидлайди.

«Таҳофутул фалосифа» китобининг аҳамияти катта бўлган. Унинг аҳамияти баъзи файласуфларнинг куфрга кетганини баён қилишида эмас, балки уларнинг фалсафаси, диний еътиқод бобида ҳеч нарсага арзимас нарса эканини баён қилиб берганидир.

Фалсафани илоҳий таълимотлар ўрнида ёки уларга тенг равишда кўрилиб турган бир пайтда, у ҳақида илмий асосларга мувофиқ тарзда бу каби кучли зарба берилиши тарихий воқеъа эди.

Имом Ғаззолий шу тариқа фалсафанинг ҳақиқатини очиб берди. Файласуфлар унинг кучли ақли ва далиллари олдида деярли бирорта эътиборга олса бўладиган раддия қила олишмади.

Кўриб ўтганимиздек, Имом Ғаззолий яшаган ўрта асрларда ғайбиёт олами ҳақида фалсафий тортишувлар авж олганди. Бу тортишувларда ҳамма, жумладан, мусулмонлар ҳам иштирок этардилар. Аммо айни мусулмонлар ичидан мазкур тор-тишувлардан одамларга ҳеч қандай наф йўқдигини англаб етганлар ҳам чиқди.

Ушалардан энг улуғи Хужжатул Ислому Абу Ҳомид Ғаззолий эди. У фалсафанинг энг катта хатоларидан бири ғайб олами – метафизика ҳақидаги тортишувлар эканини очиқ-ойдин айтди. Бу фикрнинг тўғрилигини исботлаш учун файласуфларнинг метафизикага оид тортишувларидан бир нечасини олди.

Мисол учун, оламнинг азалийлиги ёки кейин пайдо бўлганлиги ҳақидаги масала. Қадимдан файласуфлар бу масалада иккига бўлиниб олиб тортишиб келганлар. Баъзилари: олам азалий – қадимий деса, бошқалари: олам ҳодис – кейин пайдо бўлган, деган.

Икки тараф ҳам ўзининг гапи тўғрилигига ақлий далил олиб келади. Иккисининг далили ҳам ўзига тўғри кўринади. Иккиси ҳам қарши тарафга бир хил муваффақият билан раддия қилади. Қадимдан шундай бўлиб келмоқда эди. Бунга жавобан имом Ғаззолий Юнон файласуфларидан олдингиларнинг, юнонларнинг ва улардан кейин келган файласуфларнинг далилларини бирма-бир келтириб баён қилди.

«Бу тортишув бундан кейин қиёматгача ҳам давом этаверади, – дейди имом Ғаззолий, аммо ундан одамларга заррача фойда бўлмайди».

Имом Ғаззолийнинг фикрича, файласуфларнинг мазкур тортишувлари охирига етиши мумкин ҳам эмас. Чунки, улар ўзларидан мутлақ ғайбадаги нарса ҳақида тортишмоқдалар. Ўзлари ичида турган оламнинг асли ҳақида

тортишувни уларга ким қўйибди?! Бирор нарса ҳақида баҳо бериш учун унинг ташқарисида бўлиш керак. Оламнинг ичида турган одам унинг азалий ёки янги пайдо бўлганини қаердан билсин?

Унинг ўрнига, инсон қўл остида турган нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилиши керак, дейди имом Ғаззолий. Мисол учун, нима учун темирни оловга тутса, куймайдию, пахтани тутса, куйди? Мана шу масалани уйлаб кўриш керак. Пахта ўзида куйишга қобилияти борлиги учун куймоқдами ёки оловдаги куйдириш қобилияти ила куймоқдами?

Имом Ғаззолийнинг бу фикри мусулмонларда тажрибавий илмларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Имом Ғаззолий тажрибавий илмларнинг келиб чиқишига туртки бўлган фикр соҳиби сифатида дунё илмий тарихида муносиб жой олган улкан ақл соҳиби бўлмиш мусулмон шахс сифатида машҳур бўлди. Ўрта асрларда мазкур назарияга амал қилароқ Ислом оламида табиий илмлар кенг ривож топди. Улардан аста-секин европаликларга ўтди ва улар бу илмларни яна ҳам ривожлантириб, катта муваффақиятларга эришдилар.

Имом Ғаззолий ва бошқа мусулмонлар инсонга ўзидаги ақл ва заковатни ўзининг имкони даражасида, ўзига фойда берадиган тарзда ишлатишни таклиф қилади.

Инсоннинг ақл доирасидан ташқаридаги, минг тортишса ҳам фойда бермайдиган ғайбий олам – метафизикага оид маълумотларни эса тайёр ишончли манбаъдан, яъни Аллоҳ таолонинг Ўзи динлар орқали берган хабарлардан олишни таклиф қилади. Диний ақидаларга оид маълумотлар айнан ғайбиёт олами – метафизикага оиддир.

Ҳозиргача кўпчилик мусулмонлар, имом Ғаззолий фалсафани бутунлай куфрга чиқарган, деган ҳаёлда юрадилар. Аммо, аввал ўрганиб ўтганимиздек, аслида ундоқ эмас. Имом Ғаззолий фалсафанинг олтидан бирини, илоҳиётга тегишли ерини, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, инкор қилиб, уларнинг куфрда эканини баён қилган, холос.

Аммо Ғаззолий кучли файласуф бўлгани аниқ. Балки кучли файласуф бўлибгина қолмай, фалсафада тубдан бурилиш ясаган ва уни тўғри йўналишга йўллаган аллома сифатида танилган.

Ғаззолий файласуфчиларни фалсафасини йиқитиш билан, уларга эргашмасдан ўзи янги мустақил ҳолатда файласуф сифатида дунёга танилди. Гарчи буни ўзи рад этса ҳам. Шайх Юсуф Қарзовий ўзининг устози Ал-Иъддан ривоят қилиб айтади:

«Агар Ғаззолийнинг файласуфлиги ҳақида сўралганда буни рад қиларди»²⁷.

Имом Ғаззолийнинг жаҳон фалсафасида тутган ўрнини тушуниб олиш учун, дунёда дони кетган бирорта ғарб файласуфи билан солиштириб кўриш лозим бўлади.

Доктор Абдуддойим Абулъато ал-Ансорий ўзининг «Иътирофатул Ғоззалий» китобида файласуфларнинг энг каттаси, Рене Декартнинг шак назарияси билан Ғаззолийнинг шак назариясини солиштириб ўтган. Яъни, иккала олим ҳам инсон ҳақиқий маърифатга эришиши учун унда шак бўлиши

²⁷ Шайх Қарзовий Юсуф. Ал-Имам Ал-Ғоззалий байна мадиҳийҳи ва нақидийҳи. Муассасат ар-Росала, Байрут, 1994. –Б. 53.

лозимлигини айтади. Доктор Абдуддойим бунда Ғаззолийни Декартдан ажратиб турадиган нарса унинг мусулмон эканлигини айтиб ўтган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам бу ҳақда қуйидаги гапларни айтган:

«Янги фалсафа отаси» унвонини олган франциялик машҳур файласуф Рене Декартни машҳур қилган асосий нарса унинг шак назариясидир. У, ҳақиқий маърифатга эришишдан олдин шак зарурлигини таъкидлайди. Унинг бу назарияси имом Ғаззолийнинг шакларига жуда ҳам ўхшайди.

Ғарбда имом Ғаззолийни билмаганлари учун, шак назарияси фақат Декартга тегишли, деган ётқиқод ила уни кўкларга кўтариб мақтайдилар.

Шарқда имом Ғаззолийни билганлари учун, буюк файласуф Декартнинг назариясига ўхшаш гапни айтган шахс ҳам борлигини эслаб қўядилар.

Аммо бу борадаги ҳақиқатни ҳеч ким билмайди. Ушбу ҳақиқатни Муҳаммад Саъийд Рамазон Бутий «Шахсиётун иставқафатни» номли китобларида қуйидагиларни ёзади:

«Сўнгра бу масалада барча иккиланиш ва ноаниқликка чек қўядиган васиқа – ҳужжат юзага чиқди. Уни устоз Маҳмуд Бийжу доктор Зақзукдан нақл қилди. Унда айтилишича, тунислик тадқиқотчи Усмон ал-Каок Декартнинг кутубхонасида «Ал-Мунқиз миназ-Золал» китобининг таржимасини топган. Унда имом Ғаззолийнинг «Шак яқин – ишончли илмининг биринчи поғонасидир» деган машҳур ибораси Декартнинг эътиборини жалб қилгани белгиси бор эди. Декарт ўша иборанинг тагига қизил қалам билан чизиб қўйган ва унинг тўғрисида, ҳошияга «Бу бизнинг назариямизга кўчирилади», деб ёзиб қўйган экан.

Энциклопедиячи тарихий тадқиқотчи Усмон ал-Каок милодий 1975– санада Жазоирнинг Аннаба шаҳрида бўлиб ўтган Ислом фикрининг ўнинчи учрашувида маъруза қилди. Унда қандай қилиб Декарт имом Ғаззолийнинг назариясини ўзиники қилиб олгани ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Декартнинг ўз қўли билан ҳошияга ёзган нарсасини ўқиганини ҳам гапириб ўтди. Мен ўша учрашувда иштирок қилган ва унинг мазкур маърузасини эшитган юзлаб одамлардан бири эдим»²⁸.

Ғаззолийдан олдин ҳам устози имом Ҳарамайн, қози Боқилоний, у кишини устози Абул Ҳасан ал-Ашъарий каби мутафаккир олимлар кўп бўлган. Лекин буларни таъсири ўзларини хос муҳитига таъсир қилган холос. Аммо Ғаззолий ўзининг қарашлари ила нафақат Ислом оламига, балки бутун дунёга ўз таъсирини ўткази олдди.

²⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ақоид илми. Шарқ нашриёти, Тошкент, 2011. –Б. 211.

Файзуллаева К. А.
(Жиззах, Узбекистон)

ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТЎҒРИ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация. Бугунги кунга келиб қадриятлар билан боғлиқ масалалар кўлами кенгайди, бу йўналишда хилма-хил оқимлар, қарашлар пайдо бўлди. Мустақилликни мустақкамлаш, Узбекистонда умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни қадриятлар мавзусини долзарблаштириб юборди, мазкур жараён билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг умуминсоний мезонларига мос усулларини қўллаш каби масалалар пайдо бўлди.

Таянч сўзлар; Аксиология, аксиологик қонунлар, аксиологик жараёнлар диалектикаси, аксиологик профилактика, аксиологик прогноз, аксиологик экспертиза, аксиологик баҳолаш, аксиологик зиддият қонуни, идеаллар, умумаксиологик қонуниятлари.

Аннотация. Сегодня круг вопросов, связанных с ценностями, расширился, и в этом направлении наблюдаются различные тенденции. Процесс укрепления независимости, процесс строительства нового демократического государства, основанного на общечеловеческих ценностях и построения гражданского общества в Узбекистане, выдвинул на первый план проблему самоопределения и использования методов, которые отвечают общим задачам человеческого измерения.

Ключевые слова; Аксиология, аксиологические законы, диалектика аксиологических процессов, аксиологическая профилактика, аксиологическое прогнозирование, аксиологическая экспертиза, аксиологическая оценка, закон аксиологического противоречия, идеалы, общегигиенические законы.

Abstract. Today, the range of issues related to values has expanded, and there are diverse trends in this direction. Strengthening independence, the process of building a new democratic state based on universal values and building a civil society in Uzbekistan has highlighted the subject of values, and the use of methods that meet the common human dimension challenges has emerged.

Key words: Axiological laws, dialectics of axiological processes, axiological prophylaxis, axiological forecasting, axiological excavation, axiological evaluation, axiological contravention law, ideals, general-axiological laws

“Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шакилланади ва ривожланиб боради. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳалардаги, аввало, ишлаб чиқариши, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади” [8, 310].

Бугунги кунга келиб қадриятлар билан боғлиқ масалалар кўлами кенгайди, бу йўналишда хилма-хил оқимлар, қарашлар пайдо бўлди.

Мутахассислар орасида қадриятлар тўғрисидаги билимларга нисбатан турли муносабатни кузатиш мумкин. Бу муносабат шу соҳада қўлланиладиган атамаларда ҳам намоён бўлмоқда. “Аксиология”, “Қадриятшунослик”, “Қадриятлар фалсафаси”, “Қадриятлар назарияси” каби атамаларда хилма-хил маъно ва мазмун ифодаланади. Масалан, “Аксиология” ва “Қадриятшунослик” атамалари муайян фан соҳаси ёки билимлар системасини ифодалайди ва бир хил маънони англатади. “Қадриятлар фалсафаси” эса, қадр ва қадриятлар билан боғлиқ фалсафий йўналишни билдиради. “Қадриятлар назарияси” кўпроқ собиқ иттифоқ даврида ишлатилган атама бўлиб, у қадриятлар соҳасидаги билимларни фалсафанинг ниҳоятда мўъжаз қисми сифатида эътироф этишни англатар, аммо бунда алоҳида фан соҳаси тўғрисида гап бормас эди. Аксиология кўпроқ буржуа фани сифатида танқид қилинар, унинг мавзуларини кенг тарғиб қилишга изн берилмас эди.

Аксиология иттифоқ ҳаётининг аввал бошиданоқ таъқиқлангани оқибатида собиқ СССРда 1960 йилларгача аксиологик тадқиқотлар олиб борилмади. Утган асрнинг 60-йилларига келиб қадриятлар муаммосининг баъзи жиҳатлари айрим мутахассислар томонидан таҳлил қилина бошлаган бўлса-да, у 90-йилларгача ҳатто фалсафий қўлланма ва дарсликларда ҳам алоҳида мавзу сифатида ўз ўрнини топмади. Собиқ иттифоқ фалсафасининг таркибий қисмига кирмаганлиги, мавзуларининг жуда кам тадқиқ қилингани ва етарли аҳамият берилмаганидан, аксиология ўша даврда махсус фалсафий билимлар соҳасига айлана олмади. Хуллас, яқка мафкура ҳукмронлиги аксиологияни алоҳида фанга айланишига йўл қўймади. “Аксиология” ёки “Қадриятшунослик” номи билан собиқ иттифоқда бирорта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланмаси чоп этилмаган. Ҳатто университетларнинг файласуф, жамиятшунос, тарихчи ва ижтимоий мутахассислар тайёрлайдиган гуманитар фанлар бўлимларида ҳам аксиология бўйича махсус курслар ўқитилмас эди. Мавзуга алоқадор бўлган ва онда-сонда учрайдиган тадқиқот, рисола ва китобларда ҳам аксиология иборасига урғу берилмас, масала кўпроқ қадриятлар назарияси, деб аталадиган кичик илмий йўналишга тааллуқли, деб қаралар эди.

Умуман олганда, собиқ иттифоқ давридаги қадриятлар мавзусига бевосита тегишли асарларда ҳам аксиологиянинг жуда кўп муҳим масалаларининг таҳлилини топа олмайсиз. Масалан, аксиологик қонунлар, аксиологик жараёнлар диалектикаси, аксиологик профилактика, аксиологик прогноз, аксиологик экспертиза, аксиологик баҳолаш, аксиологик зиддият қонуни ва ҳоказо. Айниқса, тарихнинг бурилиш давларида, энг муҳим аксиологик муаммолардан бирига тизимининг ўзгариши, қадриятларнинг қадрсизланиши ва қайта баҳоланиши каби масалалар ҳам собиқ иттифоқда жуда кам ўрганилганлиги ниҳоятда ачинарли ҳолдир.

Мамлакатимизнинг истиқлол йўлига ўтиши бу борада ҳам туб бурилиш учун кенг имкониятлар яратди. Бугунги кунда қадриятлар мавзусининг республикамиздаги тақдирдан мамнун бўлиш мумкин. Бунда собиқ иттифоқдаги мавзуга муносабатдан бутунлай фарқ қиладиган ўзига хос жиҳатлар яққол намоён бўлмоқда.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик давлат қуриш ва фуқаролик

жамиятини барпо этиш жараёни қадриятлар мавзусини долзарблаштириб юборди. Бу борада қадриятларни қайта баҳолаш, азалий шарқона ва миллий қадриятларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга мерос қолдириш, ислохот ва ўзгаришларнинг қадриятли мезонларини аниқлаш, мазкур жараён билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг умуминсоний мезонларига мос усулларини қўллаш каби масалалар пайдо бўлди. Уларни илмий-амалий жиҳатдан ҳал қилиш зарурати қадриятшуносликнинг кўплаб мавзуларини мутахассислар ва тадқиқотчилар учун долзарб вазифага айлантирди.

Мустақиллик янги қадриятлар тизимини тақозо қилади. Ана шу зарурият қадриятларни қайта баҳолаш, юртимизда шарқона азалий қадриятлар ва умуминсоний жиҳатлар акс этган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёни билан уйғунлашиб кетди. Ушбу ҳол ижод аҳли, мутахассислар ва тадқиқотчилар учун изланишлар манбаи бўлди.

Ҳозирги глобаллашув даврида бутун дунёда муҳим ўзгаришлар, улкан аҳамиятга молик жараёнлар рўй бермоқда, туб бурилишлар амалга ошмоқда. XX аср охирида собиқ иттифоқнинг барҳам топиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши буни яққол кўрсатиб турибди. Бугунги кунга келиб мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда истиқлолга асосланган янги қадриятлар тизими вужудга келиши ва такомиллашуви билан боғлиқ ниҳоятда серқирра жараён давом этмоқда.

Шу маънода ҳозирги давр - собиқ иттифоққа хос тизим ўтмишга айланган, жамиятимиз аъзоларининг яқин ўтмиш қадриятлар мезони ўзгаришидаги дунёқараши ўзгарган, янги қадриятлар тизими бир қатор ўзгаришлар орқали турли жараёнлар орасидан ўзига йўл очиб олган даврдир. Бу даврда нафақат қадриятларга муносабат, балки умргузаронликнинг асосий омиллари - маънавий-ахлокий мезонлар, мақсадлар, идеаллар, улар билан боғлиқ эҳтиёжлар, талаблар, кизиқишлар, интилишлар ва амалий фаолият йўналишлари ўзгарди.

Бугунги кунда тарихнинг қисқа даврида бундай туб ўзгаришлар жараёни рўй бериши натижасида юзага келаётган масалалар ва уларнинг қадриятлар фалсафаси билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу масалаларнинг барчаси ҳозирги даврда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги долзарб вазифалар билан уйғунлашиб кетмоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонда рўй бераётган умумаксиологик ўзгариш - жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган янги қадриятлар тизими шаклланиши ва такомиллашуви жараёнининг умумий қонуниятлари ҳамда хусусий жиҳатларини таҳлил қилишни муҳим илмий-назарий вазифалардан бирига айланганидан далолат беради.

Бундан ташқари бугунги кунда ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, эътиқоди ва маслагидан қатъий назар Она - Ер сайёрасидаги барча кишиларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган, умуминсоният аҳамиятига молик замонавий муаммоларни ҳал қилишда турли миллатлар, халқлар, ижтимоий қатламлар ва қавмлар ҳамжиҳатлигига асос бўладиган, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги таъминланган тизим шаклланиши ва қарор топишига эҳтиёж кучайиб бормоқда. Бу эса дунёнинг барча

минтақалари, давлатлари ва хилма-хил ҳудудларига хос бўлган ранг-барангликнинг диалектик бирлигига асосланган, умумбашарий аҳамиятга молик қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш йўллари, омиллари ва бу борадаги долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш усулларини илмий изоҳлашни заруратга айлантиради.

Масаланинг бундай қўйилиши собиқ иттифоқ қадриятлар тизимининг ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмай қолиши ва тубдан ўзгариши сабабларини, бу жараёндаги инкор ва янгиланиш диалектикасини муҳолаб берадиган тадқиқотларга эҳтиёжни кучайтириши, табиий. Ўзбекистон мустақил ривожланаётган ҳозирги даврда, республикамызда умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларнинг диалектик уйғунлигини таъминлаш, умумбашарий қадриятларни барқарор қилиш амалиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий ва мафкуравий омилларнинг аҳамиятини ўрганиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш усулларини излаб топиш ҳам долзарб вазифалардан бирига айланди.

Ҳозирги глобаллашув ва мафкуравий таҳдидлар турли-туманлашиб бораётган даврда республикамызда ўтмиш ва тарихий қадриятларга тўғри муносабатни шакллантириш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш ва бойитишга асосланган замонавий тафаккурни тарбиялашда қадриятлар омилнинг аҳамиятини ошириш усуллари ва илғор тажрибаларни аниқлаш, уларни такомиллаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Бу борада фалсафий билимларнинг махсус соҳаси бўлган “Аксиология”нинг долзарб муаммоларини замонавий нуқтаи назардан таҳлил қилиш зарурияти ҳам бор. Зеро, Ғарбда кенг тарқалган ва асосан қадриятлар мавзусининг таҳлиллари билан шуғулланадиган бу фаннинг ютуқларидан фойдаланиш ўз навбатида республикамыз истиқлолининг истиқболларига хизмат қилиши, табиий. Аксиология ривожланган Ғарб мамлакатларида ҳам қадриятлар тизими ўзгаришларининг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқлиги муаммосини жуда кам таҳлил қилинганлиги ҳам ушбу масаланинг аҳамиятини намоён қилади.

Маълумки, қадриятлар жамият ва инсон фаолиятига ўзига хос таъсир кўрсатади. Улар гоҳида идеал сифатида кишиларни омилкор фаолиятга ундасалар, гоҳида маънавий мезон, ахлоқий талаб сифатида одамларнинг хатти-ҳаракати ва турмуш тарзини, интилиш ва эҳтиёжларини белгилайдилар, фаолиятларини бошқариб ёки йўлга солиб турадилар. Бунда қадриятларнинг регулятив функцияси ва маънавий мезон сифатидаги аҳамияти яққол намоён бўлади.

Муайян қадриятларни барқарор қилиш бутун халқ, миллат, давлат ёки қавмларни бир муддат ёки узоқ вақтга қадар аниқ мақсадлар йўлида бирлаштиради, улар фаолиятининг йўналишини белгилайди. Масалан, ҳозирги даврда мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш республикамыз ҳукумати, аҳолиси, ундаги миллат ва ижтимоий субъектларнинг фаолиятини белгилаб турган асосий мезондир. Бунда қадриятларни қайта баҳолаш, қадрлаш меъёрлари, қадрият мўлжаллари, қадрсизланиш даражалари билан боғлиқ муаммоларни илмий ўрганиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон харитасида рўй бераётган ўзгаришлар, собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши, унга хос қадриятлар тизимининг ўтмишга айланиши, Ўзбекистонда мустақилликка асосланадиган қадриятлар системасини шакллантириш имкониятлари ва эҳтиёжлари қадриятшунослик борасидаги янги-янги изланишлар учун асос бўлмоқда. Бу жараённинг умумаксиологик қонуниятлари, минтақавий жиҳатлари ва республикага хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш муҳим аксиологик вазифага айланмоқда. Жамиятимизда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини тарбиялаш, миллий қадриятларни тиклаш, авайлаб-асраш, инсон қадри, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам муҳим масалалар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ҳаётида кейинги йилларда қадриятлар, умумбашарий қадриятлар тизимини такомиллаштириш долзарб мавзудан бирига айланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189 (6883).
2. Мирзиёев Ш. М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
3. Мирзиёев Ш. М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
4. Мирзиёев Ш. М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.
5. Мирзиёев Ш. М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.”. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
6. Мирзиёев Ш. М. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.” Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
7. Назаров Қ. Н. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). -Т.: ЎФМЖ. 2004.
8. Фалсафа асослари” ўқув қўлланма \ Қ.Назаров ва бошқалар.-Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2018.

SECTION: PSYCHOLOGY SCIENCE

**Ахмедова Н. О., Жабборова А. Ж., Хусанова Н. Н.
(Жиззах, Ўзбекистон)**

ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, оилада ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келишига болалар тарбиясининг тўғри олиб борилишига, болаларда ижобий фазилатларнинг ва индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон республикаси биринчи президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, "хаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хосанъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради, энг муҳими фарзандлар оилавий хаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади".

Дарҳақиқат, оила асрлар давомида тарбия маскани бўлиб келган. Унда ўзаро ҳурмат, меҳр – оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар шаклланган, аجدоддан авлодга етказилган. Шу сифатлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан инсон хулқи, хатти – ҳаракати мазмунига сингиб борган.

Ижтимоий психологик муҳит ва унинг соғлом бола тарбиясига таъсирида ота – онанинг роли беқиёсдир. Айниқса глобаллашув даврида оиладаги ижтимоий психологик муҳит ва унинг соғлом бола тарбиясига таъсирида психологик муҳит бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб, оиладаги илиқ психологик иқлимни яратишда ота-онанинг, айниқса онанинг аҳамияти катта эканлиги ҳаммамизга сир эмас. Бунда бола ёши психологик хусусиятлари ҳолатлари оиладаги психологик иқлимхисобга олиниши лозим. Боланинг ёши ҳолатини яхшироқ тушуниш учун унинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсакгина унинг психик оламини ҳолатини, хохиш-истагини англаб етамиз. Кузатишлар шуни кўрсатадики соғлом муҳит яратиш учун болалар билан муомала муносабатга киришишда уларнинг психологиясига эътибор қаратиш керак. Ота -она ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг ижобий тус олиши учун ота-она фарзандлари билан муомала муносабатга киришаётганларида педагогик одобга қатъий риоя қилиш даркор.

Шундай экан, Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оилада ўзининг қадриятларидан ташқари, жамиятнинг қадриятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилиши

зарур. Ҳозир замон шиддат билан ўзгариб бораётган, болалар тарбиясига, руҳиятига таъсир этадиган воқеа-ҳодисалар кўплаб рўй бераётган бир пайтда ота-оналар фарзандлари тарбиясига ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари лозим. Болага қаттиқ гапириб, танбеҳ бериш керак эмас. Уларга яхши гапириб, ишонч билдирилса, кўпроқ самара беради.

Маълум бўлишича соғлом бола оналик ва соғлом турмуш тарзига психологик шакллантиришнинг асосий ўчоғи – ота – она оиласи бўлиб, биринчи ўринда она, унинг ижтимоий установаки, она – бола муносабатлар тизими, оила турмуш тарзининг бир бутунлиги ҳисобланади. Оилада фарзандлар тарбияси билан кўпроқ оналар шуғулланидилар. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки листейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамisha ўзининг ўрнига эга бўла олади.

Оила инсонларга хос бўлган ахлоқий қадриятлар ўзаро ҳурмат, ишонч, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуларининг конкрет шаклда намоён бўлишини таъминлашда онанинг вазифаси муҳим. Бола ақлли, одобли, меҳнатсевар, ҳалол, иймонли, инсофли бўлишдан ота-онагина эмас, балки биринчи навбатда бутун жамият манфаатдордир. Чунки, жамиятнинг тараққиётини, инсониятнинг ёрқин истиқболини маънавий етук, жисмоний соғлом ёшларгина таъминлай олади. Оилада камол топган бола нафақат жисмонан, балки муайян маънавий фазилатларни эгаллаган, ижтимоий ва ҳуқуқий бурчини англаган инсон сифатида тарбияланади. Инсоннинг асосий моҳияти маънавийат экан, унинг дастлабки куртаклари ҳам оиладаги тарбия жараёнида шаклланади.

Оила ва унинг соғлом маънавий муҳити соғлом болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-ҳунарли бўлиш, муомалада ахлоқ-одоб нормаларига бўйсунушга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Бу борада айниқса оналар, аёллар ана шундай улуғ инсонлардир. Пайғамбарларни ҳам вояга етказган ана шу аёллар, оналардир. Бинобарин, Муҳаммад пайғамбар таъкидлаб ўтганларидек, “Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хорлайди”.

Она фарзандига ҳаётнинг мақсади ва маъносини, турмушда учрайдиган мураккаб вазиятларни тушунтириши, турли ишларни тўғри бажариш қоидаларини ўргатмоғи лозим. Баъзи оналарда ҳаётий тажриба етишмаслиги сабабли қизлар ношуд, баъзан эса енгилтак бўлиб қоладилар. Айрим оналар “Ҳали қизим ёш, ўйнаб кулсин, уй ишларини, одатларимизни ўрганадиган вақти келар, дейдиларки, бу нафақат нотўғри, балки зарарли ҳамдир. Олимларнинг таъкидланишича, ижобий одатлар болада қанча эрта шакллантирилса, унинг меҳнат ва идрок этиш қобилияти шунча тез ву мукамал ривожланади. Болани ёшлигиданоқ пок табиатликка, мустақил-ликка, саранжом-саришталикка ўргатилса ҳам қиз учун фойдали бўлади. Шу билан бирга боладаги муҳим фазилатлардан бири одоб, шарму – ҳаё бўлиб, номусли, ориятли бўлиш тушунчалари ҳам оналар томонидан ўргатилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, соғлом бола мустаҳкам оила таянчи, мустаҳкам оила эса жамиятнинг, давлатнинг таянчидир. Оилада

соғлом бола тарбияси, унинг ҳаётида бахтли бўлиши учун оилада илиқ психологик иқлим яратилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият- енгилмас куч. - Т.: маънавият, 2018й
2. Мустаҳкам оила маънавияти А. Абдусамедов ва бошқалар. Сано-стандарт нашриёти 2012й.
3. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., “Камалак”, 1991, 86. 119-бетлар

Камолова Ш. У., Алмаматова З. Х., Розикова М. Д.
(Жиззах, Ўзбекистон)

ЁШЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ЮКСАЛТИРИШДА СИНЧКОВЛИК ТАРБИЯСИНИНГ ЎРНИ

Одатда бирон шахс ўрта ёки олий маълумотга эга бўлса, ўзини илмий дунёқарашим кенг деб ҳисоблайди. Аммо бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Тўғри инсон ҳамма билимларни тўлалигича эгаллай олмайди. Лекин бир соҳа буйича чуқур мутахассис бўлиши ва бошқа соҳалардан ҳам кўпқирралилик тушўнчасига эга бўлиши мумкинлигини ҳам инкор этиш қийин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чикиб, мутахассислик билими ва илмий дунёқараш тушунчаларининг моҳиятини ёритишга уринамиз. Мутахассислик билимларини, шартли(мажозий) маънода инсоннинг ҳар бири алоҳида–алоҳида вазифани бажарадиган аъзолари (кўз, қулоқ, бош, бурун, оёқ ва ҳақозо деб қарасақ, илмий дунёқарашни инсоннинг танаси дейиш ўринли бўлади. Шунга кўра илмий дунёқарашга дастлабки таърифни, «илмий дунёқараш-инсоннинг битта вазифасини эмас, балки жамиятимизнинг кўпқиррали ишларини бажаришга кўмаклаша олишларини белгиловчи билимлилик даражаси» деб ифодалаш мумкин.

Ишончли тадқиқотлар натижасига кўра тор мутахассисликка эга хатто чуқур билимга эга бўлган кишилар (айниқса таълим тизимида), унинг ўрнида бўлган илмий дунёқарашни кенг мутахассисларга нисбатан жамиятга ўртача учдан икки ҳисса кам фойда келтирар экан (худди кўз фақат кўргани). Буни давлат миқёсидаги масштабга кўпайтирилса, узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ёшлар, айниқса, бўлажак ўқитувчиларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш масаласи нақадар долзарб муаммо эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўқувчида, ўндай бўлса «энергия сақланиши» умумжаҳон қонуни бузилмайдими деган савол туғилиши таъбиий. Бунга қуйидагича жавоб айтиш мумкин.

Дунёқараш-шахснинг шахслигини (индивид эмас), унинг маънавиятини, ижтимоийлашуви даражасини кўрсатувчи кучли мотивлардандир.

Дунёқараш-тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айланган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлибу шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

Илмий дунёқараш таърифи(формуласи)да, сўз хусусан шахснинг ички имконияти(потенциали)ни уйғотиб, билишга чанқонлик. Муттасил «қийнаш» ҳолатига ўтқазилганининг психологик ва педагогик жиҳатларини очиб бериш орқалигина, олгандан кўра бера олишга эришиш мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Ана шу саволга жавобнинг ўзидаёқ ёки биз таърифлаган олгандан кўра бера олиш қонуни моҳиятини ҳеч бир иккиланмасдан инсоният эволюциясининг битмас туганмас олтин хазинаси дейиш мумкин, айнан ана шўндай илмий дунёқарашни кенг ижодкор кишилар ҳисобигагина жамият ҳар доим олға ҳаракатланади. Бундан хулоса шуки, киши ўз мутахассислигига доир қанчалик чуқур билим (илм) га эга бўлишидан қатъий назар, илмий дунёқарашни ҳам кенг бўлиши шарт, шундагина у етук мутахассис бўла олади. Буни яна олдин сўз юритган инсон танаси ва аъзолари билан таққослаб

далиллаш мумкин. Инсонни бекаму кўст яшаши (ногирон бўлиб қолмаслиги) учун унинг танасидаги барча аъзолари соғлом (тўрт мучаси соғ) бўлиши лозим, шундагина у тўқис яшайди, меҳнати ҳам унумли бўлганидек, унинг илмий дунёқараш кенг, кўп қирралик билимга эга бўлиши ҳам худди шундай жамиятга кўп фойда келтиради.

